

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИФИНИ РАИСЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Садинов Самандар Ҳошимжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси З-босқич курсанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи раислари билан биргаликда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш фаолияти ва ундаги бъязи бир кўзга ташланаётган камчиликлар муаллиф томонидан ёритиб ўтилган. Шу ўринда, ушбу фаолият давомида йўл қўйилаётган камчиликларга амалий жиҳатдан ёндашган ҳолда таклифлар ва профилактика инспекторларининг маҳалла раислари билан ҳамкорлигига юзага келаётган бъязи тўсиқларга ҳам амалий ечимлар келтириб ўтилган. Мақола ушбу фаолиятнинг бугунги кунда замон талабларига мос равишда қанчалик тўғри йўлга қўйилаётгани ва юзага келаётган камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадини ўз ичига олиши билан изоҳланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига сунгги йиллар мобайнида суд ва хукукни муҳофаза килувчи органлар ҳамда маҳалла институти фаолиятини тубдан ислоҳ килиш буйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ушбу органлар ва тузилмаларнинг вазифалари аник белгиланиб, уларнинг фаолияти халк манфаатларига хизмат килишга йуналтирилди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар ушбу давлат органлари ва муассасаларининг узаро ҳамкорликда фаолият юритишини такозо этмоқда. Ислоҳотлар натижасида барча профилактика хизматлари тизими ҳамда улар таркибидаги профилактика (катта) инспектори, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларнинг жамоатчилик институтлари, жумладан, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва фаоллари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президент фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буйруқ ва

кўрсатмалари, йўриқномалари, вилоятлар, шаҳар, туман халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг қарор ва фармойишлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБларининг буйруқ ва кўрсатмалари талаблари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг қўшма қаророрлари асосида ташкил этилиши йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, ўтган давр Ўзбекистон Республикасида аҳолини қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида маҳалла фуқаролар йиғини раислари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани уларнинг самараали фаолият кўрсатишида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу даврда фуқаролик жамияти институтларининг роли сезиларли даражада ошди. Уларнинг 2017 йилнинг 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони барчаси аҳолининг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг қудратли омилидир. Жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қиладиган қонунларнинг ижросини таъминлаш, бу соҳада фаолият олиб борувчи ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан ички ишлар органлари профилактика хизматлари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу норматив-ҳукуқий ҳужжатлар жамиятда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарлик, унинг сабаблари ва унга имкон берувчи омилларнинг олдини олишга хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўйидаги фармонлари ва қарорлари профилактика хизматларининг фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда раислари билан ҳамкорлигини белгилаб беради: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди десак хато бўлмайди. Ушбу Фармонда келтирилган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим

йўналишларининг бешинчисида, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришининг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш масаласи кўтарилигани бежиз эмас, албатта.

Ички ишлар органларининг хуқуқий асослардан Ўзбекистон Республикаси "Ички ишлар органлари тўғрисида"ти ва Ўзбекистон Республикаси "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ти қонунлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, "Ишлар органлари туғрисида"ти конунининг 11-моддасида ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш максадида, конун хужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошка ташкилотлар билан ҳамкорлик киласи ҳамда аникланган жиноятлар ва бошка хукукбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни, шунингдек бошка ахборотни алмашишни амалга оширади. Давлат органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошка ташкилотлар фукароларнинг хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини химоя килишда, жамоат тартибини саклаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий хукукбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниклаш, уларга чек кўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов килишда, жиноятчиларни кидиришда, бедарак йўколганларнинг турган жойини аниклашда, шунингдек хукукбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ички ишлар органлари ҳам ўз зиммасига юклатилган асосий вазифаларни амалга оширишда бошқа давлат органлари, муассасалари ва жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан хукуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкин.

Ички ишлар органлари 2014 йил 14 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ти қонунининг 21-моддасида кўрсатилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан бевосита ҳамкорликни амалга ошириши кўрсатилган. Ички ишлар идораларининг хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат

ташкилотлари ва фуқаролар билан бевосита ҳамкорлигинг натижасида содир этилаётган жиноят ва хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш, уларни хисобини юритиш ишлари амалга оширилмоқда. Профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, нафақат жамиятда содир этилаётган хуқуқбузарликларнинг олдини олишга, балки ахоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қиласи. Шундай экан ҳамкорликни ташкил этилаётган вақтда органлар ўртасидаги аниқ мақсад ва вазифалар белгиланиб олиниши зарур.

Ушбу қонунга мувофиқ:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари: хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади; хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади; тегишли худудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади; рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган хукуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни қўриб чиқади; ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга оширади; яратириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади; хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли буйруғи 28-бандига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириши ҳам мумкин. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларида хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2896-сонли қарорига асосан

ички ишлар органлари маҳалла ҳуқуқ тартибот масканилари фаолиятининг вазифалари ва ташкилий-хуқуқий асосларини, профилактика инспекторларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда аҳоли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5938-сон Фармонига мувофиқ профилактика катта инспектори, ушбу лавозим мавжуд бўлмаган тақдирда профилактика инспектори фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринbosари вазифасини бажаришининг белгиланиши ўз навбатида профилактика инспекторининг маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан амалга ошириладиган ҳамкорликни сифат жиҳатидан янада янги босқичга олиб чиқди.

Ҳозирги кунда профилактика инспекторининг маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан ҳамкорлигини ташкил этишга йўналтирувчи энг муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар дан бири бу “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маҳалла тизимини ривожлантириш ва жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий этишнинг 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ҳисобланади.

Умумий холоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинининг фаолияти яхшиланиши ва тизимлантирилиши, бу Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши ва фуқароларга хар томонлама эркинлик ва қулайликларни келтириб чиқаришга хизмат қилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.Ш.Мирзиёев “Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур”.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз
2. Ш.М.Мирзиёев “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови”. 2016-йил 7-декабр 14-бет.
3. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак
- 4.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
- 6.Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.
7. Вазирлар Махкамасининг қарори. 2003-йил 31-январ. 54-сонли

қарори.

8. Ш.Мирзиёев Ички ишлар органларининг ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2896-сонли қарори. 2017-йил 18-апрел.

9. Ўзбекистон Республикасининг “ИИО тўғрисида”ги 2016-йил 16- сентябрь қонуни. 2- модлда

10. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоравий, шунингдек, бошқа Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда қабул қилган идоралараро норматив ҳукуқий-хужжатлари;